АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан бошлаб чиқа бошлаган

1995 йил, 8 июль, № 14
Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Пол Везианни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, Жан Пол Везиан ўзининг мамлакатимиздаги 3 йиллик элчилик фаолияти давомида икки давлат муносабатларининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Жан Пол Везиан Франция дипломатияси вакили сифатида Ўзбекистондаги фаолияти якунланаётганини айтиб, ушбу масъулиятли вазифани адо этиш мобайнида ҳар икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик равнақига озми-кўпми ҳисса қўша олганидан мамнунлигини изҳор этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён янада мустаҳкамланади, дея умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Ҳироши Фукудани қабул қилди.

— Кейинги пайтда Япония сиёсатчилари ва тадбиркорлари делегациялари Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюрмоқда,— деди Ислом Каримов.— Бу албатта, уларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқорилигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам Япония билан ўзаро манфаатли алоқаларни тобора равнақ топишига катта эътибор бермоқда. Японялик тадбиркорларнинг синчков ва сермулоҳаза экани бизга яхши маълум. Лекин бугун ҳамкорлигимизнинг амалий даври бошлангани бизни мамнун этади.

Ҳироши Фукуда Япония ҳукумати Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар ривожини кузатиб бораётгани ва мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Японияниг мамлкатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).



Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ишга туширилган кичик тикувчилик цехи ўнлаб уй бекаларини иш билан банд бўлишига ёрдам берди. Аёллар цехда чеварлик касбини эгаллаб, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар.

Суратда: цех тикувчиси Шарофат Мақсудова янги маҳсулот тайёрламоқда.
Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ:
Ҳисобли дўст айрилмас
3-БЕТ:
«Тасодифий қотил»ни... Ойнаи жаҳонда кўринг
4-БЕТ:
Ўғирликнинг илдизи каерда?

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Алишер Омонуллаевич Файзуллаевни Ўзбекистон Респуликасининг Бельгия қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида Фармон берди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер шу йил 9-10 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

***

• Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Ўзбекитсон парламент делегацияси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг тўртинчи, ҳар йилги сессияси ишида қатнашиш учун 2 июль куни Канаданинг Оттава шаҳрига жўнаб кетди.

***

• Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Юртбошимизнинг юбилей муносабати билан меъморларга йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Жўраев ўқиб эшиттирди.

***

4 июль куни Тошкентда Республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо Кенгашининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Республика Бош вазири А.Муталов Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов қатнашди.

***

• 4 июль куни Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини ташкил этиш бўйича таъсис конференцияси бошланди.

***

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Уни Олий суд раиси У.Мингбоев бошқарди.

Пленумда судялик лавозимига янги тайинланган судялар тантанали қасамёд қилдилар. Пленумда Республика Бош пракурори Б.Мустафоев қатнашди.

***

• Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасидан келган хабарга қараганда 3 июль куни Франкфурт-Майн шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан таништириш маросими бўлди. Кўпчилик тўпланган бу учрашувда ГФР давлат органлари, савдо-саноат доиралари, жамоатчилик вакиллари, Германия журналистлари ҳозир бўлишди.

***

• Республика байналмилал марказида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» янги китобининг муҳокамаси бўлди.

Муҳокамада олимлар, адабиётчилар, Республика миллий маданият марказларининг раҳбарлари, бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

***

• 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

***

• 6 июль куни Тошкентда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида буюк қозоқ ёзувчиси ва мутафаккири, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай Қўнонбоев туғилган кунининг 150 йиллиги тантанали нишонланди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси академик В.Воҳидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий Давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Партия ва ҳаёт

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

• Ҳакимжон Абдураҳимович Ҳалилов 1957 йилда туғилган. 1980 йилда ТошДДнинг юридик факультетини тугатган. Олий маълумотли юрист. 1980 йилда 1995 йилгача Наманган вилоят адвокатлар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, вилоят саноат технология олийгоҳи «Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик» кафедрасининг катта ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатиб келган. 1995 йил 26 апрелда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланган. Оилали, уч фарзанднинг отаси.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан сиёсий воқеалар ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун астойдил изланаётганимизни кўрсатиб турибди. Ўзбекистоннинг сиёсий харитасида кўппартиявийликнинг вужудга келаётганлиги Республикамизда демократик тамойиллар кенг қарор топаётганидан далолат бермоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг вужудга келиши ҳам мустақиллик ва демократиянинг мевасидир. Партиямиз 1995 йилнинг 18 февралида Республика Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга кўмаклашишдан иборат бўлган буюк мақсад йўлида ташкил топди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида партиямизнинг 47 нафар депутати уюшиб, ўз фракциямизни ташкил этди. Олий Мажлисининг биринчи сессиясида партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев фракция раҳбари сифатида партиямизнинг вужудга келиш тарихи, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади. Шу нарсани қувонч билан таъкидлаш керакки, партия Сиёсий Кенгаши аъзоларидан бир нечтаси Олий Мажлис раҳбарияти ва қўмиталарига сайланишди. Жумладан, Акмал Қосимов Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, Абдурафиқ Аҳадов, Чаржау Абдиров, Жумабой Ўтанов Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, Пўлат Шарипов эса қўмита раисининг ўринбосари этиб сайландилар.

Олий Мажлиснинг бўлиб ўтган ҳар иккала сессиясида ҳам фракциямиз аъзолари фаол иштирок этишди. Сессияларда кўрилган масалалар бўйича депутатлардан Акмал Қосимов, Абдурафиқ Аҳадов, Ҳалим Бобоев, Тўхтамурод Жўраев сўзга чиқишиб, қабул қилинган муҳим ҳужжатлар борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этишди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси мамлакатимиз Президенти ваколатларини 1995 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича ўтказилган умумхалқ Референдуми якунларини бир овоздан қўллаб-қувватлади. Партиямиз раҳбарлари ва фаоллари жойларда бўлишиб, Референдумнинг моҳиятини кенг халқ оммаси ўртасида тушунтириш бўйича катта ишларни олиб бордилар.

1995 йилнинг 26 апрелида вилоятимизда бўлиб ўтган таъсис конференциясидан сўнг, партия ишларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш, унинг сафларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида партия кенгашимиз қатор ишларни амалга оширди. Бунинг эвазига жойларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тизимларини ташкил этиш бўйича олиб борган ишларимиз яхши натижа берди. Қисқа вақт ичида вилоят партия ташкилотимизнинг барча шаҳар ва туманларида партия Кенгашлари тузилиб, ўзининг қизғин фаолиятини бошлаб юборди. Энг аввало бу ўринда вилоят партия ташкилотини тўла шакллантиришга алоҳида эътибор бердик. Шу орқали унинг туман ва шаҳарларда юзага келган бўлинмаларида партиямизнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратила бошланди. Эндиликда олдимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи Пленуми қарорларини амалга оширишдек муҳим вазифалар турибди. Ундан келиб чиқиб, ўзимизнинг аниқ иш режамизни ишлаб чиқанмиз. Шу ойнинг охиригача вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги муассаса, ташкилот, хўжалик, корхона ва маҳаллаларда бошланғич ва худудий партия ташкилотларини тузиб, сафларимизни янада мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирамиз. Ўз сафларимизни мунтазам равишда ўстириб борар эканмиз, аввало «Оз бўлсину соз бўлсин» қабилида иш кўришга ҳаракат қиламиз. Сон кетидан қувиб, партия сафига нопок кишиларни қабул қилишга йўл қўйилмайди. Партия иши учун фидойи, эл-юрт орасида катта ҳурмат, обрў-эътибор қозонган турли соҳа кишилари бизнинг сафларимизга бирлашадилар. Бунинг учун туман ва шаҳар Кенгашлари жойларда ташкил этиладиган бошланғич партия ташкилотлари котиблигига энг муносиб кишиларни сайлашлари керак.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларни юзага чиқариш аввало қўпчиликнинг ташкилий-ҳаракати ва амалий фаолиятига боғлиқ. Шубҳасиз кенг кўламли бу вазифаларни бажаришда партиямиз аъзолари ҳам бир мақсад йўлида бирлашиб, фаолликни қўлга олдилар. Партиямизнинг ўёки бу масала юзасидан ишлаб чиқилган нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, ўзларининг сиёсий фаолликларини намоён қиладилар. Мақсадимиз, партиямизнинг Дастури ва Низомидаги кенг кўламли вазифаларни амалга оширишдан иборат экан, бу муҳим ишдан куч-ғайратимизни аямаймиз.

Ҳакимжон ҲАЛИЛОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгашининг иккинчи котиби.

Партия ахбороти

ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Фарғона вилоят ташкилотининг шаҳар ва туман Кенгашларини ташкил этишга бағишланган таъсис конференциялари ниҳоясига етди. Вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда партия Кенгашлари тузилиб, уларнинг сони 19 тага етказилди.

— Туман ва шаҳар Кенгашларига ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида фаол иштирок этиб келаётган партия ва халқ иши учун фидойи кишилар котибликка сайландилар,— дейди вилоят партия ташкилотининг иккинчи котиби Шуҳратжон Алиматов.— Кенгаш аъзолари ва тафтиш комиссияларининг аъзолари ҳам ўзларида ана шундай ишчанлик фазилатларини мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туришади. Риштонда — 51-мактаб директори, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг аъзоси, Олий Мажлис депутати Иброҳимжон Раҳмонов туман партия Кенгашининг биринчи котиби, Қўқонда — қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори, Олий Мажлис депутати Аъзамжон Ҳакимов шаҳар партия Кенгашаининг биринчи котиби бўлдилар.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида партия Кенгашларини ташкил этишга бағишланган йиғилишлар юксак кўтаринки руҳда ўтди. Байрамона тус олди. Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига кириш истагида юрган 8 минг нафарга яқин фарғоналиклар иштирок этдилар. Жойларда бўлиб ўтган таъсис конференциялари ва ташкилий пленумларда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Мусажон Исмоилов ва иккинчи котиб Шуҳратжон Алиматов, котиб Илҳомжон Акромов иштирок этдилар.

Рустам ДОСТОН.

БИРИНЧИ БЎЛИБ

1995 йил 3 июль куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Чирчиқ шаҳар Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Чирчиқ шаҳар ҳокими муовини Ўсар Омонбоев конференцияни очар экан, партиянинг мақсад ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтди.

Конференциядан сўнг Кенгашнинг биринчи ташкилий пленуми бўлди. Пленум иштирокчилари Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Ўсар Омонбоевни бир овоздан Чирчиқ шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Коференция ва пленумда Тошкент вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Ҳасан Алиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

***

Шунингдек, конференция ва ташкилий пленумлар Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Паркент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Тошкент, Қибрай, Янгийўл, Бекобод, Бўка, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, туманларида ва Янгийўл, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилишларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши биринчи котиби Тўғунбой Мадиёров, иккинчи котиб Ҳасан Алиев ва котиб Л. Акбарова иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Шундай қилиб, Тошкент вилоятида туман ва шаҳар вилоятлараро биринчи бўлиб партия Кенгашлари тузиб бўлинди.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Наманганда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг шаҳар Кенгашини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда партиянинг шаҳар Кенгашини тузиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинди. Шаҳар Кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг аъзолари сайланди.

Конференциядан сўнг Кенгашнинг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Наманган Давлат университети доценти Александр Ҳошимович Сатторов «Адолат» социал-демократик партияси Наманган шаҳар Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг иккинчи котиби Ҳакимжон Халилов ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳадов иштирок этди.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

Мухбир бонг уради

КОМБИНАТ НЕГА ТЎХТАБ ҚОЛДИ?

Деновдаги «Сурхонозиқовқатсаноат» комбинати хом-ашё — чигит етказиб берилмаётгани сабабли ишламай қолди. Сурхондарёда ўсимлик ёғи, кунжара, шулха ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бирдан-бир бу корхонада шундай воқеа биринчи марта юз бераётгани йўқ. Бекор туриб қолиш сабабли бу ерда белгиланган топшириқ ва шартномалар бўйича 74 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Комбинат директори О. Қодиров аҳвол шу тариқа давом этаверса, корхона узоқ вақт тўхтаб қолиши ҳеч гап эмаслиги тўғрисида тегишли жойларга кўп марта ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилди. Бироқ, ҳанузгача бу борада бирор ўзгариш юз бермади.

Сурхондарё вилоят «Пахтасаноатсавдо» бирлашмаси «Ўзпахтасаноатсавдо» давлат уюшмасининг комбинатга йилнинг биринчи чорагида 45 минг тонна чигит ажратиш тўғрисидаги ҳужжатини олганига қарамай, 2 минг тонна кам чигит юборди. Иккинчи чоракда эса 20,5 минг тонна чигит етказиб берилмади.

Эҳтимол, вилоятдаги пахта тозалаш заводлари чигитни ўз вақтида ишлаб чиқаролмаётган ёки комбинат «Пахтасаноатсавдо» бирлашмасига пул ўтказмагандир? Йўқ, бундай эмас. Пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди, чигит ҳам бор. Комбинат бирлашмага олдиндан пул ҳам ўтказиб қўйган. Бироқ, чигитни комбинатга ташиб беришда бир қанча муаммолар мавжуд. Вилоят «Пахтасаноатсавдо» бирлашмаси айбни чигит ташиб берадиган уловларнинг эгаси — «Сурхондарётранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига юклаяпти. Улар эса ўз навбатида «Пахтасаноатсавдо» бирлашмасининг чигитни ташишга буюртмаси борлигини, лекин бунинг учун олдиндан пул ўтказмаганини айтишяпти. Боз устига, вилоят нефть маҳсулотлари уюшмасининг ҳам айби борлиги рўкач қилиняпти. Бу уюшма эса «Сурхондарётранс»нинг даъвосини асоссиз дея рад этяпти. Хуллас, сансалорлик чархпалаги айланишда давом этяпти.

«Пахтасаноатсавдо» ва «Сурхондарётранс» бирлашмалари раҳбарлари билан бақамти келиб-қолсангиз, «Бу масала яқинда ҳал бўлади, гап чигитда ҳам, уни ташиб беришда ҳам эмас» дейишдан нари ўтишмайди. Хўш, гап нимада? Раҳбарларнинг ўзаро келишолмаётгани нафақат комбинатга, балки вилоят иқтисоднётига ҳам путур етказяпти-ку, ахир?!.

Чори ТЎХТАЕВ.

Кичик фелъетон

БИЛГАНГА ЛАПАР...

Душанба куни бўлса-да пойтахтдаги «Аския» бозори одамлар билан гавжум. Анча эрта бўлгани учунми, олувчидан сотувчи кўп. Тагига гилдираклар ўрнатилган сандиқсифат сумкалар-у, бели сим белбог билан боғланган картон қутиларни инқиллаб-сиқиллаб тортиб келаётган ёш-ялангларнинг кети кўринмайди. Кимдир ўзига маълум жойдан панох топиб, «олтин» сандигидаги сақичларини ўзи билан олиб келган «пештахта»си устига ёйса, бошқаси эса турли-туман сигаретларни тера бошлайди. Инсоф қилгани хилма-хил номдаги сигаретларнинг нархини тўғри келган жойга пала-партиш қилиб қўяди. Харидор эса бу нархлар қайси бирига тааллуқли эканлигини билмай оворао-сарсон.

— Акажон, мана шу қаторда турган жамики сигаретнинг нархи бир хил, — деган жавобни олгач, яна диққати ортади.

— Наҳотки, бозор дегани бедарвоза бўлса, — дея бир озгина асабийлашади ҳам.

Сал нарида арақфурушлар макон қуришган. Арақ ҳақидаги янги пайровни эшитган ишқибозлар эса бу ердан силжишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аския қизигандан қизиб боради.

— Равшанжон, — дея тантанавор оҳангда мурожаат қилди Тошкент туманининг Келес шаҳридан келган арақфуруш аскиячи Олим Мирзаҳмонов.

— Лаббай, Олимжон ака, эшитаман, — мийнигда кулиб жавоб қилди, тошкентлик аскиячи Равшан Халилов.

— Пивомисиз, виномисиз, коньякмисиз?

— Айтганингиз ака.

— Умрингиз бино бўлиб «Николай-2» деганини кўрганмисиз?

— Сиз томонда бўлса керакда, ака?

— Ҳа, биз томонларда-да, ука. Мана, эллигини пуллаб ўттизини асир қилиб, яшикка жойлаб қўйганмиз.

— Олимжон ака!

— Лаббай ука, — бепарвогина жавоб қилди Олимжон.

— Пивомисиз, виномисиз, коньякмисиз?

— Айтганингиз ука.

— Исми жисмига яраша «Наполъон», «Руслан» деган тентаксойнинг сувларидан тотиб кўрганмисиз?

— Худо ҳаққи «Жин урсин», «Абсалют»ни кўрган эмасман.

— Мана биз томондаги «Салдат» савлат тўкиб, саф тортиб турганларни ҳам бир чўқишда қочиради.

— Ҳой, ҳой акажонлар, тегирмон ҳам навбати билан деганларидай ҳадеб ўзларингиз мақтанаверасизларми? Бизга ҳам навбат беринглар! Бизда ҳам ярим пиёласи қулатадиган дейсизми, Қозоғистон коньягидан дейсизми, шампан виноси дейсизми, ликёр дейсизми, ишқилиб ҳамасидан бор-да, «гинг» демай ўтирибмизку, -дея эътироз билдирди юнусободлик ҳаваскор аскиячи Ҳусан Валиев.

— Шу алпозда аскиячилар сони 12 кишига етди. Аскиячилар пайровига Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг ходимлари Ғаниш Пўлатов, Отабек Шокиров, Алексей Продченко ва Жамол Мансуровлар баҳоли қудрат ҳакамлик қилишди. Аскияда қолиб чиққан 336 дона «Наполъон», «Николай» ва «Руслан», «Абсалют» ва «Жинлар» 53 озиқ-овқат магазинининг пештахталаридан жой олишга муяссар бўлдилар.

Қуруқ мақтовлар эвазига нархни ошириб, мўмай даромад олмоқчи бўлган сохта аскиячиларнинг ҳар бирига 500 сўмдан жарима солинди. Икки томонлама ҳамснидан айрилган аскиячилар бармоқ тишлаб, аския бозорини тарк этишди.

Ҳа, доно халқ билганига лапар, билмаганига дардисар деб бежиз айтмаган экан.

Шавкат ҲАМИДОВ.

ДИҚҚАТ! «АДОЛАТ» ОБУНА!

СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Бош нашри — «АДОЛАТ» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА айни пайтда ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

«АДОЛАТ» газетаси ҳафтада бир марта чиқади.

— шахсий обуначиларга 6 ойга — 56 сўм.

Индекс — 64597.

— корхоналар ва ташкилотлар учун 6 ойга — 83 сўм.

Индекс — 64598.

Сиз «АДОЛАТ» газетасига исталган алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Мамлакатлар, одамлар, воқеалар

● Покистонда асли келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган муҳожирларнинг миллий ҳаракати йўлбошчилари ҳукумат билан Карачи шаҳрида юзага келган вазиятни барқарорлаштириш бўйича музокаралар ўтказишга розилик берди. Анча кундан буён ушбу йирик шаҳарда катта тартибсизликлар юз бермоқда. Куни кеча ана шу тартибсизликлар натижасида яна 12 киши ҳалок бўлди.

x x x

● Бурунди давлати қонун чиқариш органиларида мураккаб сиёсий танглик юзага келди. Мамлакатдаги йирик мухолиф куч ҳисобланган Бирлик ва Миллий тараққиёт партияси (Упрона) ҳукуматни тарқатиб юборишни талаб этди. Ушбу партия йўлбошчиларининг маълум қилишича, Миллий Мажлиснинг 15 нафар депутати қўшни Зоир давлатига ўтиб кетмоқчи бўлишган.

x x x

● Камбожада ҳаракат қилаётган мухолифатдаги «Қизил кхмерлар» қуролли тузилмалари мамлакатнинг Шимоли-Шарқий районларига яна ҳужум қилди. Маълумотларга қараганда, мазкур қуролли гуруҳлар Баттанбанга шаҳри атрофида қирол аскарларига қарши ҳужумни кучайтирган.

x x x

● Шри-Ланкада фаолият кўрсатаётган «Тамил-Илама» — «Озодлик йўлбарслари» қуролли гуруҳлари билан ҳукумат қўшинлари ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Шри-Ланка мудофаа вазирлиги вакилининг журналистларга маълум қилишича, жангарилар куни кеча Баттикаола шаҳридан 20 километр наридаги назорат постига ҳужум қилишган. Ҳужум қайтарилган, бироқ ҳукумат аскарларидан 8 нафари ҳалок бўлган, уч аскар эса жароҳатланган.

x x x

● Австралия Бош вазири Пол Китинг Франциянинг ядровий синовларни қайта бошлаш ҳақидаги қарорини қоралади. «Парижнинг Тинч океанда ядро синовларни бошлаб юбориши «Ядровий қуролларни тарқатмаслик ҳақида»ги шартноманинг бажарилишига хавф туғдиради», — деди у Франция-да чиқадиган «Либерасьон» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги кўчаларнинг бири.

x x x

● БМТ ва Ангола ҳукумати 300 минг анголалик қочоқларни ватанига қайтариш ҳақида бир битимга келди, — деди мазкур халқаро ташкилотнинг қочоқлар иши бўйича олий комиссари Садако Огата журналистларга. Мамлакатда узоқ давом этган фуқаролар уруши натижасида қўплаб кишилар ватанини тарк этишга мажбур бўлишган эди. Уларнинг қарийб учдан икки қисми ҳозирги пайтда Зоир ҳудудида, қолганлари эса бошқа мамлакатларда яшаб келмоқда.

x x x

● Филиппин полициясининг мамлакатда вазият мураккаблашгани учун тўла жанговар ҳолатга келтирилди. Пойтахт кўчаларида патруллар кучайтирилган, стратегик муҳим жойлар, чет эл нефт компаниялари ва бензин қуйиш шохобчалари қаттиқ қўриқланмоқда. Мамлакатда яшириН фаолият кўрсатаётган ташкилот аъзоларининг нефт маҳсулотлари қимматлашувига қарши нефт корчолонларига суиқасд қилиш ҳақидаги огоҳлантириши ушбу тадбирларга сабаб бўлди.

x x x

● Ҳалокат юз берган Сеул шаҳридаги «Сампун» универмагида қутқарув ишлари ҳамон давом этмоқда. Бироқ вайрона тагида қолиб кетган одамларни тириклайин олиб чиқиш борган сари қийинлашмоқда. Фожиа натижасида қурбон бўлганлар сони 115 кишидан ошди. 906 киши эса жароҳатланган. Шулардан 351 нафарига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди.

x x x

● Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида юз берган автомобил ҳалокати натижасида 20 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Маҳаллий полициячиларнинг маълум қилишича, шаҳарлараро қатнайдиган автобус Дехрадун—Канпур йўналиши бўйича кетаётганида ҳайдовчи машинани бошқара олмай қолган. Натижада автобус дарёга қулаб тушган.

x x x

● Италиянинг «Ювентус» футбол командаси жаҳондаги энг кучли 100 та футбол клуби рўйхатининг ҳамон бошида турибди. Иккинчи ўринда яна бир Италия футбол клуби «Парма» бормоқда. Учинчи ўринда эса Франциянинг «Пари сен-жермен» командасидир. Ушбу маълумотлар яқинда Халқаро футбол федерацияси томонидан эълон қилинди. Рейтинг бўйича ушбу жадвалдан 76 та Европа ва 23 та Жанубий Америка футбол клублари ўрин олган. Унда Англиянинг 11, Италиянинг 10, Германия, Франция ва Испаниянинг 7, Аргентинанинг 6, Бразилия, ва Португалиянинг 4 тадан клублари бор.

● *Партия ва ҳаёт*

ФУҚАРОСИ ОСОЙИШТА ВА АДОЛАТЛИ УМР КЕЧИРГАН ЖАМИЯТ УЗОҚ ЯШАЙДИ

Ўткир Ҳасанович Расулов, 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1961 йил Тошкент давлат университетининг физика факультетини тугатган. Физика-математика фанлари доктори, профессор. ЎР ФАнинг ҳақиқий аъзоси. Электроника институти директори, «АДОЛАТ» партиясининг аъзоси.



— Ўткир Ҳасанович, кейинги беш йил ичида ҳаётимизда шундай ўзгаришлар юз бердики, сал олдинроқ бу ҳақда гапириш ҳам бир мунча ғайритабиий туюларди. Халқимизнинг асрий орзуси — истиқлолга эришишимиз ва янги демократик жамият қуришдаги илғор қадамлар, бозор иқтисодиёти шароитидаги ўзгариш ва инқилобий ислоҳотлар, фан оламидаги ривожланишларнинг ҳаммаси, Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагимизнинг порлоқ бўлиши учун пойдевор бўлаётганлиги барчамизни бирдек қувонтиради.

Ҳозирда халқимиз орасида эртанги кунимиз ҳақидаги баҳсларга тез-тез дуч келамиз. Ўтиш даврининг муаммолари ҳақида нималар дея оласиз?

— Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитининг республикамиз ҳаётига кириб келиши, бир қанча ўзгаришлар билан намоён бўлмоқда. Бу даврда ютуқлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам учраб турибди. Аниқроғи, иқтисодий жиҳатдан бироз камчиликларга дуч келаётганлигимиз сир эмас. Лекин уларнинг барчасини матонат билан енгиб ўтишимиз керак. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур? Аввал кишиларда мулкка бўлган муносабатнинг ийғонши, қолаверса, ҳар қандай муаммоларни ҳам эътиборсиз қолдирмасдан, фақат ва фақат олдинга қараб интилиш ва изланиш лозим. Ҳудди шундай ҳаракат ва меҳнатгина бизга қийинчиликларни енгиллаштиради, ҳаётимизнинг фаровон бўлишига замин яратади.

— Айтиб ўтганимиздек, жамиятнинг бир қанча қирралари каби фан оламида ҳам жиддий ўзгаришлар, силжишлар юз бермоқда. Турғунлик давридаги фан-техника тараққиёти билан мустақиллигимиз туфайли тобора юксалиб бораётган фан ва маданиятимизнинг ривожланиш жараёни ўртасида қандай фарқ бор?

— Тўғри таъкидладингиз. Эркинлигимиз фан оламида ҳам муҳим ўзгаришлар ясади. Айни пайтда институтимиз Америка, Швеция, Япония давлатлари билан ҳамкорликда илмий ишларни амалга оширяпти. Албатта, ўтиш даврининг қийинчиликлари фан соҳасига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Илгарилари нима иш қиладиган бўлсак, албатта, Москва орқали бўларди. Энди эса фан-техника, маърифат ва маданият оламида ҳам мустақил қадамлар ташланмоқда.

— Ўзингиз раҳбарлик қилаётган институт ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Умуман олганда, Электроника институти 1967 йилда ташкил этилган эди. Шу вақтгача эса у Ўзбекистон Фанлар академияси физика-техника институтининг бўлими эди. 1988 йилда илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида электроника институтида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Республика Фанлар академиясининг электроника институтини, Тошкент давлат дорилфунуни физика факультети кафедраларининг, Тошкент давлат техника дорилфунунининг электроника ва автоматика факультети ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ўрта мактабларидаги рус ва ўзбек тилларида ўқитиладиган тўртта экспериментал синфларини ўз ичига олувчи «Электроника» илмий-ўқув маркази ташкил этилди. Шундан буён муваффақият билан ишлаб турибди.

Бу ишнинг ташкилотчиси ва биринчи директори ЎР ФАнинг академиги Убай Орипович Орипов бўлади. Институт бугунги кунда 14 илмий лаборатория ва иккита илмий гуруҳ патент лицензия бўлими ва ташқи иқтисодий фирма «Эланта», илмий-техникавий ахборот бўлими ҳамда кутубхона, бошқа илмий ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ташкил топган. 1976 йилдан буён электроника институти қошида махсуслаштирилган конструктор технология бюроси (МКТБ) фаолият кўрсатмоқда. Электроника институти ва МКТБ ходимларининг сони 600 нафардан иборат бўлиб, уларнинг 14 нафари фан докторлари, 75 нафари эса фан номзодларидир.

— Ўткир Ҳасанович, «Адолат» партиясига қандай режа ва эзгу мақсадлар билан аъзо бўлдингиз?

— Аввало, бир нарсани таъкидлаш жоизки, эзгуликнинг эртакечи йўқ дейдилар. Одилликни, ҳақни ҳимоя қилувчи шундай партиянинг тузилиши лозим эди. Мана, партия ўз атрофига, адолатпарвар, эл орасида обрў-эътиборга эга кишиларни бирлаштирган. Ваҳоланки, халқ ҳамиша яхши одамларнинг ортидан эргашади.

Мамлакатимиз дунёнинг нуфузли остонасига қадам қўймоқда. Биз ривожланган жаҳон давлатлари қаторига етиб олиш учун бор кучқудратимизни аямаяпмиз, бу йўлда биз олимлар ҳам муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак. Адолатли фуқаролик жамиятига қараб боришда, тажрибали, тадбиркор, ҳақиқатни ҳимоя қилувчи, йўлбошчи зарур бўлади. Шукурки, бизнинг раҳбариятимиз, қолаверса, юртбошимиз ҳақиқат ва адолат тарафдоридир. Яна бир нарсани айтишни истардимки, ёвузликнинг умри қисқа, яъни, одамлар ўткинчи нарсаларга алданиб қолмаслиги керак. Мен бунга тарихдан ҳам, яқин ўтмишдан ҳам жуда кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Бизнинг мазкур «Адолат» партиямиз эса ҳамиша халқ томонда ва у халқ манфаати учун хизмат қилади. Шунингдек, эзгу мақсад йўлида ҳали жуда кўп яхши ишларни амалга ошираги деб ўйлайман. Халқим учун, Ватаним учун чин фарзандлик бурчимни адо эта олсам, ўзимни гоят бахтиёр деб ҳисоблайман. Олдинда эса хайрли режалар турибди.

— Шу партиянинг аъзоси сифатида унинг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Ўйлайманки, ёш давлатимиз тобора юксалиб ва фаровонлашиб бораверади. Шу ўринда «Адолат» социал-демократик партияси ҳам унинг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бу партия ўз номини ўзи оқлаши шарт, яъни партия аъзолари ва унинг тарафдорлари ҳақиқат ва адолат туғини янада баландроқ кўтарадилар. Зеро, фуқароси осойишта ва адолатли умр кечирган жамият узоқ яшайди. Бизнинг ҳаракатимиз эртанги кунимиз учун экан, келажак бугундан бошланишини бир дам унутмаслигимиз лозим. Насиб этса, давлатимиз жаҳон миқёсидаги ўз нуфузига ва мавқеига эга бўлади.

Озода БЕКМУРОДОВА суҳбатлашди.

Айни пайтда Нукус шаҳрида талай хусусий корхоналар шакилланмоқда. «Ойзода» хусусий корхонаси уларнинг бири. Унинг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Бунинг боиси сир эмас: «Ойзода» хусусий корхонаси маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият бераяпти. Бозордаги болалар кийимкечаклари, аёллар ва эркаклар учун турли хилдаги кийимлар, миллий халатлар Қорақалпоқ дўпписи каби қатор маҳсулот кўпгина жойларда пештахтада туриб қолмаяпти.

Эндиликда 20 хилдан зиёд маҳсулот тайёрлашга эришаётган бу ишдан жамоа ўз навбатида корхонани янада кенгайтиришга, замонавий асбоб-жиҳозлар билан таъминлашга ҳам имкон яратяпти.

Суратда: тажрибали уста Д. Тангрибергенова ёшларга тўқиш сирларини ўргатмоқда.

А. МУРАТОВ олган сурат. (ЎзА).

● *Шу кунниНг мавзуида*

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Эндиликда узумини егину боғини сўрамагин деган даврлар ўтиб кетди. Аниқ ҳисоб-китоб ва манфаатдорлик бор жойда ишларнинг унумли бўлишини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Афсуски, Баллаорол туманида бунга етарли аҳамият берилмаяпти. Бўйнигача қарзга ботган қатор ташкилотлар туман газлаштириш идорасига қарзларини тўлолмай мулзам бўлиб юрибдилар. Рақамларга мурожаат этамиз: ўтган йилнинг октябрь ойидан буён туман ўт ўчириш бўлими 12 минг 422 сўм тўламаган. Иссиқлик манбаи идорасининг шу давр ичида газлаштириш идорасига тўлаши керак бўлган қарзи 102 минг сўмдан ошиб кетган. Қизиқ, бу ташкилотларнинг раҳбарлари нимага ишониб, идорага газ пулини тўлашмаяпти экан? Улардаги хотиржамликнинг ортида қандай мақсадлар ётибди?

Афсуски, Баллаоролда пулини тўлашга келганда хотиржамликка берилган бундай идоралар талайгина. Масалан, Анорбоев раҳбарлик қилаётган «Гулистон» ширкатлар хўжалигининг биргина газнинг ўзидан 149 минг 327 сўм дебитор қарзи бор. Шунча қарзга ботган хўжаликда раис бувининг қандай хотиржам ишлаётганига ҳайрон қолади киши. Туман раҳбарларининг мутахассислар танлашдаги санъатига қойил.

Шу ўринда газлаштириш идораси ходимларининг ўзи қандай ишлаяпти деган ҳақли савол туғилади. Шу йилнинг бошидан буён мутахассислар аҳолидан 3 минг сўмликка яқин жарима ундирди. Унинг асосий сабаби битта: айримлар газдан ноқонуний фойдаланмоқдалар. Уни ўзларича мослаштириб, ҳаётларини хавфга қўйишаяпти. Хизмат ҳақларини вақтида тўлашмаяпти.

Ҳисобли дўст айрилмас,— деган ақиданинг қарор тапаётганидан энди улар тўғри хулоса чиқариб олишса ажаб эмас. Чунки газ — эл мулки.

А. АБДУНАБИЕВ, журналист.

Бугунги кунда Тошкент метросининг муҳташам кошоналари оралаб бораётган йўловчиларнинг кўли гул қурувчилар меҳнатига юқори баҳо бериши шубҳасиз. Ҳақиқатдан ҳам сўнгги йилларнинг бу нодир иншооти улкан мўъжиза бўлди. Азим пойтахтимиз аҳолиси ва Тошкент шаҳри меҳмонлари учун улкан воқеага айланди. Тезюрар ерости поездлари уларнинг манзилини доимо яқин қилмоқда. Шу билан бирга қимматли вақтларини тежашга ёрдам бераяпти. «Тошкент метроси қурилиши» жамоаси бу кулайликни янада кенгайтириш мақсадида метронинг янги қурилаётган Юнусобод йўналишида қурилиш-монтаж ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Қурилаётган ҳар бир янги бекатда иш сурати тобора жадаллашмоқда . Уларни боғловчи ерости йўллари барпо этиляпти.

Суратда: метро қурилишида танаффус пайти.

● *Журналист нигоҳи*

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

Кечки соат 10-11 ларда дўстимникидан қайтарканман, йўл ёқасида очиқ турган хусусий дўкончалар, кабоб пишириб сотаётганлар, музқаймоқхўрлик қилаётган ёш-яланглар, сайр этиб юрган йигит-қизлар эътиборимни тортди. Биз бугун бу манзарага кўникиб қолдик. Аммо, бундан 7-8 йил илгари Қарши шаҳрига ташриф буюрган меҳмон соат 17 дан кейин кечки овқатсиз қолиши тайин эди. Ўзимиз ҳам вилоят газетасида навбатчилик қилган кунларимиз баъзан оч қолардик: кеч тушиши билан барча ошхоналару дўконлар тақа-тақ бекилар эди.

Демоқчиманки, мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг хусусийлаштирилаётгани илк самараларини бера бошлади. Умумий овқатланиш шохобчалари ва савдода хизмат сифати учун интилиш сезиляпти. Чунки хусусий ошхона ё дўкон эгаси 8 соат эшик очиқ ўтиргани учун ҳақ олмайди. Харидор, хўранда келмаса, энди унинг тирикчилиги ўтмайди.

Хаёлимни ёнимга келиб тўхтаган енгил такси ҳайдовчисининг овози бузди: — Уйингизга элтиб қўяйми, акахон?

Кулдим: бу ҳам бозор иқтисодининг шарофати-да!

Бироқ айрим соҳаларда бундай бўлмаяпти. Масалан, қурилишни олайлик. Бир танишим уй қурдираман, деб бормаган қурилиш ташкилоти қолмади. «Ўзлари бекор ўтиришибди. Иш йўқлигидан ишчиларга маош тўлаша олмаяпти. Аммо, осмондаги нархни айтади», жиғибийрон бўлади у.

— Яна озгина сабр қилиб туринг, — дейман танишимга. — Ўша қурувчилар ўзлари сизни сўраб боришади ва қулай баҳода уй қуриб беришади.

Менимча, бозор иқтисоди дегани асли шудир.

А. ТАЙПАТОВ.

● *Иҗтимоий муҳофаза*

ЭЛ ТАШВИШИДА

Собир Раҳимов туманида жойлашган «Ҳувайдо» маҳалласи ибратли ишларни амалга оширмоқда. Маҳалла қўмитасининг раиси Олим ака Нурматов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Маҳалламизда тўрт мингдан ортиқ аҳоли, ўнга яқин турли миллат вакиллари, 19 нафар уруш фахрийси ҳамда 7 нафар байналмилалчи жангчилар истиқомат қилади, — дейди Олим ака. — Маҳалламиз жуда аҳил. Шунинг учун ҳам «Аҳиллик бор жойда, тотувлик бўлади» — деган боболаримиз ўгити бизнинг шиоримизга айланган. Тўй, аза, маъракa, турли байрам тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилади. Шунингдек, маҳалламизда сартарошхона, чойхона, тижорат дўконлари ишлаб турибди.

Биз, айниқса, маҳалламизда кам таъминланган оилаларга иқтисодий томондан ёрдам беришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Қарамогимизда 40 га яқин шундай оилалар мавжуд бўлиб, бундай оилаларга ҳар ойда 350-400 сўм атрофида ёрдам пуллари бериб борилаяпти. Бундан ташқари, баъзи қаровчиси йўқ, ёлғиз қарияларга ҳам алоҳида ёрдам берилиб, ҳолидан хабар олиб туриш учун мактаб ўқувчиларидан бириктириб қўйганмиз.

Яқинда маҳалламизда шоир Ҳувайдо таваллудининг 290 йиллик юбилейига бағишланган қатта тадбир ўтказдик. Бу тадбирга Ўзбекистон халқ шоирлари Пўлат Мўмин, Эркин Воҳидов, шунингдек, кўпгина олим ва санъаткорлар келишди.

Дарҳақиқат, Олим ака Нурматов маҳалланинг фаровонлиги йўлида тиним билмайди. Шунинг учун ҳам маҳалладаги барча ёшу кекса у кишини жуда ҳурмат қилади.

— Мен кўпдан буён бир нарсани кўнглимга тугиб юрибман, — дея суҳбатни давом этди Олим ака. — Маҳалламиздаги қарияларни Бухоро, Самарқанд, Туркистон томонларга зиёратга олиб боришни ният қилиб юрибман. Кетадиган маблағнинг ярмини маҳалла қўмитаси ўз зиммасига олади.

Ҳалол, тўғри сўз тадбиркор инсон Олим ака Нурматов доимо маҳалла ишлари билан банд. Энг муҳими, у Президентимиз томонидан чиқарилган Фармонларни ҳаётга тадбиқ этиш ишқи билан яшамоқда.

Ҳа, шундай кишилар бор бўлса, маҳаллаларимиз янада тинч ва обод бўлаверди.

Б. ПИРНАФАСОВ.

● *Диққат! Муаммо!*

БУЯН НЕГА НОБУД БЎЛЯПТИ?

Қорақалпоғистонда чучукмия (маҳаллий аҳоли уни буян деб атайди) илдизи тайёрланиб, хорижий мамлакатларга юборилади. Формацевтика саноати ва бўёқ ишлаб чиқаришда ноёб бўлган бу хомашёни тўрт йиллан буён «Қорақалпоқлакрица» деҳқончилик саноат бирлашмаси тайёрлаяпти.

Бу йил салкам 13 минг гектар майдондаги чучукмия ўсимлигидан 4,5 минг тонна илдиз тайёрлаш кўзда тутилган. Айни пайтда Нукус ва Қўнғирот туманларидаги 7 та комплекс жамоа икки минг тоннага яқин ана шундай хомашёни тойлаб, буюртмачиларга жўнатишга тахт қилиб қўйди. Аммо шунча маҳсулот лицензия ва вагонлар йўқлиги сабабли очиқ ҳавода ётибди. Шу жиҳати ҳам борки, хомашёни тойлаш вақтида ҳосилнинг ярмидан кўпи нобуд бўлади.

Шундай экан, маҳсулотни шу ернинг ўзида тайёрлаш мумкин эмасми? Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1991 йили шу ҳақда махсус қарор қабул қилган эди. Бироқ бу долзарб масала ҳануз ўз ечимини топгани йўқ.

Турон замининнинг неъмати — Қорақалпоқ буянини тайёрлаш ва қайта ишлашга мустақил мамлакатимиз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш пайти келмадимикан?

А. ИСКАНДАРОВ.

● *Ғалла — ризқ рўзимиз*

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Қашқадарё вилояти Қамаши тумани меҳнаткашлари кузги экиш мавсумида 11 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экишган эди. Шу ҳисоб бўйича биргина «Ғаллакор» жамоа ширкат хўжалигида 8423 гектар, «Наврўз» жамоа ширкат хўжалигида 1590 гектар, «Қоратепа» жамоа хўжалигида 2950 гектар майдондан ҳосил йиғиб-териб олинмоқда. Йиғиштирилган ҳосилни Қамашидаги уруғчилик дон маҳсулотлари тайёрлаш корхонасига етказишда тумандаги 98-автокорхона ва хўжаликлар ҳисобидаги автокорхоналар шофёрларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. 98-автокорхонадан Р.Дўстёров, Ч.Сафаров, Н.Тангриев, хўжаликлар ҳисобидаги автокорхоналардан Ю.Дўсмирзаев, Ч.Даминов, Б.Оққўзиевлар кунига 15-20 тоннадан ғаллани дон қабул қилиш пунктига етказиб бермоқдалар.

— Бу йил қамашилик деҳқонлар 70минг тонна дон хирмони уюшни мақсад қилганлар. Ҳозиргача хирмонимиз 50 минг тоннага етди. 21 минг тоннага яқин донни давлатга сотганимизда ҳам, қолгани туманимиз аҳолисини таъминлаш учун етади. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 45-50 центнердан ҳосил кўтарилаётганлиги деҳқонларимиз пешона терининг зое кетмаганидан далолат беради, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ноиби Рашид ака Бозоров.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бир йилда туман фуқароларининг донга бўлган эҳтиёжи 20 минг тоннага тўғри келади. Шунга кўра, қамашиликларнинг ўзини ўзи нон билан таъминлай олиши ва Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллигини нишонлаш арафасида 70 минг тонналик дон хирмони кўтариши бу тўйга муносиб тўёна бўлади.

С.ОСТОНОВ.

ЭЛЧИ ТАЙИНЛАНДИ

Чен Чжунчен Хитой Халқ Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан у Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлиғини топширди. Элчи Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшид Каримов билан суҳбатда ХХР икки давлат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини, хусусан, Тожикистонга 1 ярим миллион юан миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатишини, 50 миллион юан ҳажмида кредит беришини маълум қилди.

АКАДЕМИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Душанбеда Тожикистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда академиянинг йиллик фаолиятига якун ясалди. Шунингдек, йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Илгари химия институти директори бўлиб ишлаган академик Ўлмас Мирсаидов Республика Фанлар академиясининг янги президенти этиб сайланди.

ТОЖИКИСТОН — ПОКИСТОН АЛОҚАЛАРИ

Покистон Саноат маркази Тожикистон Республикасига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Жорий йилнинг декабрь ойида Покистоннинг Лоҳур шаҳрида тадбиркорлик масалаларига бағишланган семинар ўтказиш режалаштирилаётир. Унга Тожикистон вакиллари ҳам таклиф этилган.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида «Муаллифлик ҳуқуқи ва муштарак ҳуқуқлар» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Бутунжаҳон интеллектуал мулки ташкилоти (ВОИС) ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинарда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларининг муаллифлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Семинарда Бутунжаҳон интеллектуал мулки ташкилоти бош директори ўринбосари доктор Михаил Фишер, Франциянинг фирма ва корпорацияларда программа таъминоти бўйича альянс вице-президенти Э. Кенич, фильм ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари халқаро федерацияси бош директори А. Шобе ва бошқаларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва муштарак ҳуқуқларнинг аҳамияти, бу борадаги қонунларни такомиллаштириш, янги мустақил давлатларнинг халқаро Берн конвенциясига аъзо бўлиб киришлари механизмлари тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллиги раиси, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов Марказий Осиё минтақасида муаллифлик ҳуқуқи ва давлатлараро ҳуқуқни янада тараққий эттириш мавзуида маъруза қилди.

(ЎзА).

● *Абай таваллудининг 150 йиллиги*

ОҚИННИНГ АДОЛАТИ

Базил исмли бойнинг Жумагул деган қизи оқин, чечан бўлиб ном чиқарган эди. Отаси Базил уни бир бойнинг ўғлига уналтириб қўйган экан. Жумагул ўсиб, бўйга етгандан сўнг, уналтирилган куёви ҳали ёш ўспирин бўлганлиги сабабли, Базилбойнинг йилқичиси бўлиб ишлайдиган, ёшликдан бирга ўсган Ўлжабой деган йигит билан кўнгил қўйишибди. Буни эшитиб, бўлажак келин учун қалин молларини аввалдан тўлаб куёв томон беш йигитни ёллаб, севишганларни назорат қилиб юриш учун пойлоқчиликка қўйибди. Бу йигитларнинг ўзлари ҳам Жумагулнинг хуснига шайдо бўлиб, сўз ташлаб, сўзлари синиб, аламзада бўлиб юрганлардан экан. Бир куни Жумагул ва Ўлжабой гаплашиб ўтирганларида беш йигит тўсатдан бостириб келади-да, Ўлжабойни ушлаб уриб, сулайтириб ташлайдилар. Сўнг безорилар севишганларнинг оёқ-қўлига кишан уриб, туяга ортиб, ҳукми равон бўлиб ўтирган бий — Абайнинг даргоҳига олиб келадилар. Абай:— «Бу нимаси?» деб йигитларга сўроқ қўйса, улар: «Ўлжабой бировнинг никоҳидаги қизга чангал солди, ўртадаги фотиҳани назар-писанд қилмай, қизни йўлдан урди. У ўзи ўғри, ўғриларга бош қўшиб юради», қабилидаги ҳар турли балою-тухматларни тўқиб чиқариб, йигит билан қизни бўхтонга ботирадилар. Йигитларнинг сўзини тинглаб бўлган Абай қизга навбат берибди. Шунда Жумагул ўзи оқин эмасми кўзига ёш олиб ўтириб, ўз шикоятини ҳайқайа ўлан билан етказибди. Жумагулнинг шундаги айтганлари:

Бургут олган чиқади қир бошига,
Қунмовдим беш номарднинг имосига,
Оёгимга жуфт кишан якка тушмай,
Улжабой уртоқ бўлди биттасига.

Тингламай зор-зор йиглаб айтган ҳолни,
Беш номард иккимизни боғлаб солди.
Аямай таёқ билан уравергач,
Улжабой тил-забонсиз толиб қолди.

Низомда қизни урган тушар судга,
Улжабой-ла севишиб куйдим утга.
Қунон бобом султонлик замонида
Қиз шўрлик тушганмиди дод-фарёдга?!

Давлатбек, Ирисбеттек бобомиз тенг,
Базилдан ёлгиз қолган қиз эдим мен.
Қай замонда кишанлаб қиз ҳайдалган?
Абай ога, ўйлаб кўр, одилсан сен!

Абай ога, ёшинг улуг, узинг — доно,
Одамнинг ҳақ-ҳуқуқи — қимматбаҳо.
Бурунги қалмоқ босган замонми бу —
Хор бўлиб, қизлар йиглаб қилса нидо?!

Беш номард зурлик қилиб, сенга келдик,
Шўрлик қизлар олади қачон тенглик?
Қирчин ёшлар зор йиглаб ўлмадими?—
Биласиз-ку, қайга кетган Маъмур, Енглик?!

Буни эшитиб, чидаолмаган Абай ўрнидан иргиб турибди-да, ҳалиги зўравонларга:

— Дарров ўз қулларинг билан севишганларни кишандан бўшатинглар!— деб буюрибди. Сўнг Абай бу воқеа ҳаммага ибрат бўлиш учун фармон эълон қилибди. Унга кўра: қизни сотиб олиш учун отаси Базилбойга ҳув аввалроқ тўланган қалин моллари зўравон йигитлардан ундирилиб, уналтирилган куёвга қайтариладиган бўлибди. Жумагулга эса ўз ихтиёри ўзида деб эркинлик берилибди. Фармоннинг бажарилиши учун бир ҳафталик муддат белгиланибди. Буни қаранг, одилликни маҳкам ушлаган Абай Ўлжабой билан Жумагулни ҳам «айбдор» деб топибди: «Севишган экансизлар, нега паст-қам-хилватларда учрашиб, ҳар хил ғийбат ва миш-мишларга йўл очиб берасизлар? Нега вақтида маълум қилиб, эл олдидан ўтмайсизлар?»— деб, ошиқ-машуқларга ҳам бир туя айб (жарима) солибди. Қиз омон-эсон тенглик олиб овулга қайтган-да, ҳол-аҳвол сураган дугоналарига шундай дейди:

— Беш номард қилин молни тўлар бўлди,
Улжадан айб учун бир туя олди.
Бошимга эрк келтирди чечан тилим,
Золимлар бурчли бўлиб, бўшга қолди!

Бахтим учун дуч келди Абай доно,
Тукка ошмади беш номард топган бало,
Абай деди: «Севганингдан қулинг узма,
Енгилтак ҳаваcдан чет юр доимо!...

* * *

Яхшилик узоқ турмайди,
Ёмонлик ҳаргиз тузмайди.
Умиднинг оти чопқиллаб,
Қуш тизгинни узмайди.

Қуштепки милтиқ отсанг ҳам,
Овози фарёддан узмайди.
Бир қайғуни ўйласанг,
Юз қайғуни қузғайди.

Қурқчи чол — елвизак
Елиб юриб бузлайди.

Қуршаган булут очилмай,
Осмоннинг юзи кукармас.
Ҳурпайган юрак босилмай,
Талабгор кунгил оқармас.

Юзлашса қайғу қат-қабат,
Тузгитиб, қуймас одамни.
Баридан ҳам шул қиммат —
Нетарсан тузалмас нодонни?!

Хосиятсиз фарзанд — ул ҳам ёт,
Бир куни берар сазонгни.
Олифта, шилқим, хушомадгўй
Мақтов-ла етказар қазонгни.

Қозоқчадан Музаффар АҲМАД таржималари.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрган бир хасис кунлардан бир кун Жомийнинг олдида ҳазил тариқасида шундай дебди:

— Тақсир, уч тангам бор. Истайманки, шунга бир нарса сотиб олиб тўйгунча есам-у қолганини яна уч тангага сотсам.

— Бу жуда осон, — дебди Жомий, — қассобнинг олдига борасан-у уч тангага битта қорин сотиб оласан, ичидагини еб, яна ўзини уч тангага сотасан, вассалом!

***

Тўқим табиат бўлса ҳам шоирлик даъво қиладиган шаҳзодалардан бири Жомийнинг бир газалига назира ёзиб, ўқиб берганидан кейин:

— Тақсир, сиз:

Баски дар жони фигору чашми бедорам туйи,
Ҳарки пайдо мешавад за дур пиндорам туйи,

Яъни афгор бўлган жоним билан уйқусиз кузимдан сира кетмаганинг учун узоқдан кимни кўрсам сен, деб ўйлайман, деб ёзибсиз. Бордию узоқдан кузингизга сигирми ё эшак кўринса-чи? — деса, Жомий:

— Бари бир, ўшанда ҳам сен деб ўйлайман, — деб жавоб бериб-ди.

КАЧОН ФИКР ЮРИТАСИЗ?

... Машҳур инглиз физиги Э. Резерфорд ўз лабораториясига кирди. Унинг шогирдларидан бири кеч бўлиб қолганлигига қарамай аллақандай иш билан машғул эди.

— Бемаҳалда нима қиляпсиз? — сўради олим.

— Ишлаб ўтирибман.

— Кундузлари нима қиласиз?

— Ишлайман, албатта, — жавоб берди у.

— Саҳар чоғлари ҳам ишласангиз керак-а?

— Ҳа домла, саҳар туриб ҳам ишлайман, — деди яна шогирди.

Шунда Резерфорд қовоғидан қор ёғилгудай бўлиб шундай деди:

— Менга қаранг, агар ундай бўлса, қачон фикр юритасиз?

***

Машҳур ёзувчи Жонатон Свифт кўчада сайр қилиб юрганда бир йигит унинг йўлини тўсиб, деди:

— Мен ҳеч қачон аҳмоқларга йўл бермайман!

— Мен эса йўл бераман, — деди Свифт ва ўзини четга олди.

***

Ёмғирли кунларнинг бирида Жонатон Свифт хизматкори билан отлиқ сафарга чиқди. Кечкурун улар меҳмонхонага тушдилар. Ухлаш олдидан Свифт ботинкаларни тозалаб қўйишни хизматкорга тайинлади.

Дангаса хизматкор хўжайининг айтганини бажармади.

Эрталаб кир ботинкаларини кўрган Свифт хизматкоридан сўради:

— Нега ботинкаларни тозалаб қўймадинг?

— Йўллар лой, — деди хизматкор, — ҳозир ботинкаларингизни тозалашдан нима фойда? Улар барибир яна ифлос бўлади.

Свифт ҳеч нарса демади. Бироздан сўнг хизматкорига буюрди:

— Дарров тайёр бўл! Йўлга тушамиз.

— Ҳали нонушта қилмадим-ку, — деди хизматкорига аччиқланиб.

— Ҳозир овқатланишдан нима фойда? — деди Свифт. Барибир яна очқайсан.

● *Шундай кишилар бор бўлсин*

МУАЛЛИМА ЯРАТГАН БОҒ

Ёшларни замон руҳида тарбиялаб, ҳаётга тайёрлашда республикамиз маорифчилари орасида ташаббускорлик, тадбиркорлик билан иш юритаётган фидойи муаллимлар кўп. Шундайлардан бири шаҳрисабзлик Гуландон Набиевадир.

Опанинг ижтимоий келиб чиқиши кўпчиликдан деярли фарқ қилмаса-да, бироқ ўрнак олса арзирли, ҳаёт тажрибаларига бой манбаларни ўзида жамул-жам қилган.

Уруш йиллари. Ҳамма фронтга отланган. Қишлоқларда хотин-халаж, ёш болалар қолган. Гуландон Набиева ана шу кезларда илк муаллимлик фаолиятини Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги бошланғич мактабдан бошлаганди.

Орадан йиллар ўтди. Гуландон опа тақдир тақозоси билан Қашқадарё вилоятига ишга келди. Мана, шунга ҳам ҳадемай ярим аср бўлади. Опа бу ердаги қайси туманда, қишлоқларда бўлмасин оддий халқ билан тиллаша олади. Шу боис ҳам Шаҳрисабз туманининг Мироқи қўрғончасидаги мактабда болаларга таълим-тарбия бериб келади.

Мактабни янгилаш, илм ва тарбиянинг илғор тамойилларини ҳаётга жорий этиш опанинг тажриба дастуридаги бош омилларидандир. Чунончи, мактаб ва давр, ўқитувчининг бир соатлик иш мезони, тарбияда мактабнинг ўрни, тарбия бериб, таълимга бошлаймиз каби ўнлаб мавзулардаги изланишлари туман мактабида жорий этилиб, ижобий натижалар бериб келмоқда.

Дарвоқе, Гуландон Набиевада яна бир ажойиб хислат бор: у жаноа учун, кўпчилик иши учун доимо камарбаста. Ана шу элчил хислати сабабли ҳам узоқ йиллар тумандаги бир-неча илмгоҳларни бошқарди, ёш муаллимларга раҳномалик қилди, билмаганларини ўргатди.

Биз фидойи инсоннинг қилган ишларидан бир шингилини тилга олдик, халос. У киши ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Муҳими, опанинг серқирра фаолиятида ўзига хос мактаб яратганлиги, айниқса, шаҳрисабзликларга яхши аён.

Унинг шогирдлари ҳам жуда кўп. Бири олим, бири муҳандис, шифокор. Бироқ улар ким бўлмасин, қаерда ишламасин, мустақил республикамиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида фидойилик қилишади.

Муродилла МИРЗАЕВ, Барат ҲУСАИНОВ.

● *Эшитмадим демангдар...*

ТОШКЕНТДА ТАНДИР КАБОБ

Энди ҳақиқий ҳўрданинг чинакамига қулфи дили очиладиган бўлди. Азим пойтахтимизнинг сайилгоҳ кўчасидаги «Бинафша» қаҳвахонасида Қашқадарёча тандир кабобу шўрва тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу тансиқ таомни бир бор тотиб кўрганларнинг армони йўқ. Эшитганлар эса тотиб кўриш орзусида. Хуллас, тандир кабоб ейишга Қашқадарёга бориш шарт эмас. Уста ошпаз Абдуманнон Закруллаев элга хизмат қилиб, мижозларни қўлтайтираётганидан мамнун. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: пойтахт— азим шаҳар. Шундай улкан жойда манаман деган овқатланиш шохабчалари ҳўрандаларнинг қадамини пойлаб, «сиғиб» етибди. Аммо, «Бинафша»да бошқача.Ҳўрандаларнинг бу ердан қадами узилмайди. Ҳалқимизнинг миллий таомларидан неки тури десангиз бор. Иссиқ чой, оби нон, палов, кабоб, лагмон... Яна қулай хизмат ҳеч бир мижозни бепарво қолдирмайди. Аслида бозор иқтисодиёти деганлари шу-да!

...Бу воқеага кўп бўлгани йўқ. Абдуманнон Закруллаев Қашқадарёга тўйга борди. Меҳмон отангдан улуг, деганларидек, мезбонлар бор санъатини тўкиб солдилар. Пиширилмаган таом, кўрсатилмаган маҳорат қолмади. Абдуманнон ака ошпазликда катта мактабни утаган уста эмасми, мезбонларнинг бор ҳаракатини берилиб кузатди. Айниқса, дастурхонга тортилган тандир кабоб ва шурванинг иштаҳа очар таъмини пойтахтга қайтганида ҳам унутолмай юрди. Меҳман деган одамлар келиб-кетадиган даргаларда уларга дастурхон ёзиб кутиб олган, бир сиқим гуручдан тортиб 250 килограммгача дамлаган оши билан ҳаммани лол қолдирган моҳир ошпазнинг шу тарзда кунглида тугилган орзуси ўзига йўлдош бўлди. Шаҳрисабзлик Рустам Сатторовни қанотига олиб, «Бинафша» қаҳвахонасида халқимизнинг авлоддан-авлодга, асрдан-асрга ўтиб келаётган севимли нодир таомини пойтахтликларга етказиб беришга эришди. Ҳозир кимни қидирманг, тушликда «Бинафша»дан топасиз.

Абдуманнон ака устози, машҳур ошпаз Жалолиддин Низомовнинг меҳнатлари зое кетмаганлигини, унинг ёрдами билан ўзи ҳам етук пазанда бўлиб етишганини бот-бот эслайди. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кимки нимани экса, шуни ўради, деган ажойиб нақл бор. Абдуманнон ака ўрганган санъатини халқига, шогирдларига бахшида этаётган экан, бу унинг шу соҳада 25 йил ишлаб, умри зое кетмаганлигидан ҳам далолатдир. Азим пойтахтни қўйинг, мамлакатимизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам у ўзи тайёрлаган тўй ошлари билан кўпчиликнинг савобини олган. Ҳаётдаги уша унутилмас кунларни хотирлар экан, уста ошпазнинг чеҳрасидан нур ёғилади.

Ҳаётда ҳар ким ўзининг севган куйига ўйнайди. Абдуманнон Закруллаев эса қапқир ўйнатиб, одамларнинг дуосини олишга интилади. Зеро, бу катта савоб, халқимиз учун улуг бир иш ҳамдир. Чунки халқ хизматида бўлишга не етсин!

Бизнинг айтганларимиз бир чўпчақ эмас: бор ҳақиқат. Ишонмасангиз, «Сайилгоҳ»га келинг, «Бинафша» қаҳвахонасида тайёрланаётган қашқадарёча тандир кабобу, шурванинг хушрўй ҳиди бир зумда сизни ҳам сарҳуш этишига аминмиз.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,

Суратда: қаҳвахона бош ошпази Абдуманнон Закруллаев ошпазлар Абдулла Маҳкамов ва Рустам Сатторов билан энди тандирдан чиққан тансиқ таомни ҳўрандаларга етказиб беришга тайёрлашмоқда.

Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Ойнаи жаҳонда

10 — 16 июль

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.40 Футбол шарҳи"
18.55 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Узбекистон — тараққиёт йўлида".
20.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. "Имон". Телеспектакль.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Галатепалик авлиё". Қисқа метражли бадиий фильм.
18.55 "Тафсилот".
19.10 "Саломатлик — туман бойлик".
19.40 "Деҳқон ҳиммати".
20.10 "Спорт-тайм".
20.40 — 22.40 "Осилсанг, баланд дорга осил". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III
17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Репортёр".
20.50 "Автолаҳза".
21.00 "Ҳақиқат онлари".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.25 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. (Италия — Испания — Буюк Британия). 2-серия. 1-қисм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.55 — 00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Узбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Улан". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
10.40 "Абитуриент-95". Физика.
11.10 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгироқча".
18.40 "Солиқ".
19.00 "Тафаккур ёлқинлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Истиқлол адабиёти".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Узбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Инсон, жамият, қонун".
22.05 "Эъзозлаги қўшиқлар".
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 7-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.50 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида" (давоми).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ғўзаллик бунёдкорлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45 — 21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Узбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Тоғдаги ғор сирлари". Бадиий фильм.
9.15 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Шифокор экрани.
10.55 Чолғу куйларидан концерт.
11.25 — 13.25 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Суянч".
18.40 "Тараққиёт".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Узбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
22.10 Ўзбек Давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.55 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 8-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.15 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Жаҳон жанговар санъатлари".
22.00 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 9-қисм.
22.30 "Актёрлар ва роллар". Ғайбулла Ҳожиев.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.20 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Телефильм.
20.55 Фавқулодда қанал.
21.45 "Давр дарёси".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—22.50 Жойлардан репортаж.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Тушимизга кийиклар киради". Телефильм.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Замандас" (қозоқ тилида).
21.35 — 22.15 "Салом, Франция!".

ЖУМА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Узбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Осмондан тушган беш ўғлон". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.40 "Вазият".
11.10 "Китоб ва ҳаёт".
11.40 "Маърифат маскани".
12.10 — 12.55 "Дўстлик ришталари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мушоҳада учун мавзу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 "Назм ва наво". Ҳазиний лирикаси.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Тасодифий қотил". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Акс-садо".
19.00 "Бумеранг". Экология ҳақида.
19.30 "Тошкент оқшомида".
20.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
21.15 — 22.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Қотил бунинг ўзи..." Бадиий фильм.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40—00.20 Экранда премьера. "Қора сувлар устидан". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ҳаракатда баракат".
19.15 "Байрамали". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Автоклуб".
21.25 Машҳур кишилар клуби. М. Матье.
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Узбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви

8.00 "Ўйимизга шер келди". Бадиий фильм.
9.05 "Цирк! Цирк! Цирк!"
9.50 Тавфиқ ал-Ҳаким. "Изҳор". Теленовелла.
10.30 "Кино таҳририяти" почтасидан.
11.15 "Хотира". Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов.
12.15 — 14.15 "Маънавият" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Кўнгил изҳори". Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
20.30 "Узбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мактуб — кўнгил ойнаси".
22.10 "Олтин мерос". Узбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов.
23.10 Эълонлар.
23.15 "Узбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.55 "Кинонигоҳ".
14.35 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.25 "Менинг кўчам".
19.45 "Ҳонадонингиз осойишта бўлсин!"
20.45 — 22.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Телефильм.
20.55 "Аншлаг".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25—23.15 "Мутлақо махфий".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
10.40 "Умид" (уйғур тилида).
11.20 — 11.50 Болалар учун фильм. "Эшмат—раҳмдил фариштa".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Узбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Уммондан томчи".
20.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.50 "Технопарк".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Таклифлар ва ташрифлар".
22.05 "Деҳқон даладан қайтди".
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Узбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Юрт ҳақида қўшиқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин (такрор.).
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
12.45 "Туркистон — умумий уйимиз". Мусиқий дастур.
13.30 — 14.45 Ғ. Раҳмон. "Сингган танбур нидоси". М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Маҳалламиз болалари".
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино ва томошабин".
20.45 "Телеоператор нигоҳида".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 Санъат усталарининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.35 Эълонлар.
22.40 "Оқсоқ дарвеш". Бадиий фильм.
00.15 — 00.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 — 14.30 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Автосалон".
21.30 "Ҳамма — табассум учун".
22.00 "Америка юлдузлари".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — "О".

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Осойишта уй".
21.25 "Ксюша ҳузурида меҳмонда".
22.00 "Вести".
22.25—00.05 "Шафқатсиз одамлар". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
9.55 "Менинг кўчам".
10.10 "Эсдалик учун дастхат".
10.40 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.10 "Узбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
12.20 — 13.35 "Нокдаун". Бадиий фильм.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Бу ажиб дунё".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".
21.40 "Сирдошим".
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Вариацияли мавзу".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00 — 23.45 Футбол. Узбекистон чемпионати. "Чилонзор"—"Маданият".

● Саҳнада — премьера

«КАМПИРНИ ГУМДОН ҚИЛСАКМИКАН?»

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри Америка драматурги Жон Патрикнинг «Кампирни гумдон қилсакмикан?» фожиали комедиясини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ҳамид Жалолов ўзбек тилига таржима қилган бу асарни режиссёр Сергей Каприелов саҳналаштирди.

Асар Шарқ донишмандлигига хос «ёмонлик айлаганга яхшилик қил» ғоясини илгари суради. Пьесадаги воқеалар уч қаллобнинг Помилла исмли кампир хонадонига кириб қолиши ва уй бекасининг уларга муносабати асосига қурилган. Ижарачилар Помилланинг ҳаётини бир ой муддатга сўгурта қилдириб, шу вақтда уни гумдон қилмоқчи ва сўгурта пулини узлаштирмоқчи бўлади. Кампир бу шум ниятни сезади. Лекин уларга ёмонликни раво кўрмайди, ҳатто сўгурта муддатини бир ой узайтириб, пулини уларга васият қилиб қолдиради. Унинг бу олижаноблиги бойлик деб ҳар қандай қаллобликка ҳам тайёр кишиларни инсофга келтиради.

● Турфа олам

АВСТРАЛИЯНИ КИМ КАШФ ЭТГАН?

Ер юзи бўйлаб денгиз саёҳатига отланган машҳур инглиз саёҳатчиси Жеймс Кук Австралияни 1769—1770 йиллари кашф этганлигини биз мактаб партасидан яхши биламиз.

Аммо яқинда австралиялик олимлар ҳаммага маълум бўлган фактга ишончсизлик билдирдилар, деб хабар қилади «Диариу» газетаси. Сиднейдаги Ньюкасл университетининг муаллими, профессор Роберт Клэнси ва тарихчи Алон Ричардсонлар «Улар жанубдан келган эдилар» номли китобини нашрга тайёрладилар. Олимларнинг таъкидлашича, биринчилардан бўлиб, Австралияга етиб келганлар португалияликлар бўлганлар.

Австралиялик олимларнинг езишича қараганда, XVI асрлардаёқ португалиялик денгиз саёҳатчиси Педро Фернандо де Кейрон Австралия қиргоқларига етиб келган. Кейинчалик эса бу ерга голландияликлар ва инглизлар ташриф буюришган.

Янги китобнинг бунёдга келишида бундан 22 йил муқаддам Клэнсоннинг 30 долларга сотиб олган қадимий харитаси сабабчи бўлган. Францияли к Д. Лислэ тузган ер юзининг жанубий қисми тасвирланган бу географик харитада португалиялик денгиз саёҳатчиларининг ҳаракати акс эттирилган.

Профессор Клэнси Австралиянинг энг қўҳна географик харитасини йиққан олимлардан бири.

— Мен учун, — дейди Клэнси, — бу хариталар муҳим аҳамиятга эга. Китобимиз чиққандан сўнг, европаликлардан биринчи бўлиб ким Австралияни кашф этганлиги ҳаммага маълум бўлди.

Ғ. ПРИМОВ тайёрлади.

● Ҳазил лавҳа



—Ажабо, бош ҳам қовоққа ўхшайди-я!..

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Муштарийларнинг саволларга халқаро ҳуқуқшунослар ассоциацияси аъзоси Забиҳилло Муҳаммаджонов жавоб беради:

— Ўғлим номусга тегишда айбдор деб топилиб, тергов қилинмоқда. Лекин ўғлим ёшлигида руҳий касал бўлган, буни текшириб, инобатга олса бўлмайдими?

В. Қодиров.

— Сиз терговчидан ўғлингизни руҳий касалини текшириш учун экспертизага йўлланма беришни илтимос қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Жиноят процессуал мажмуасининг 173 ва 179-моддаларига биноан ўғлингизни соғлиғи экспертиза қилиниб, унинг ҳақиқатан руҳий касал бўлгани ва қайси руҳий касалхонада рўйхатда турганлиги, даволанганлиги ҳақидаги маълумотлар текширилиб, жиноий ишга қўйилиши мумкин.

— Хотиним иккита эди. Икковидан бўлган фарзандларимга алимент тўлайман. Шу алиментни камайтириш иложи борми?

Карим Турсунов,
Сурхондарё вилояти.

— Сиз энг аввало ҳар бир хотингизга тўлаётган алимент варақларининг нусхаларини ва иш жойингиздан иш ҳақингиз тўғрисида далолатнома олиб, сўнгра даъво аризаси ёзиб, ҳар бир хотинингиз яшаб турган туман судига алиментни камайтириш тўғрисида ариза берасиз. Суд ҳайъати текшириб кўради ва лозим бўлса камайтириш тўғрисида қарор чиқариб беради. Бу албатта Ўзбекистон «Никоҳ ва оила» кодексининг тегишли бандларига асосан кўрилади.

— Мен 1 гуруҳ ногиронман. Пенсияга қанча қўшимча пул тўланади?

Шуҳрат Абдуллаев,
Қашқадарё вилояти.

— Сизнинг пенсиянгизга қўшимча энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида қўшимча пенсия тўланади. Чунки аниқ бўлишича, Сиз умумий касаллик бўйича I гуруҳ ногиронлар тоифасига кирар экансиз.

● Таҳрирсиз хат

ДАВЛАТ ТИЛИ ҚАЙСИ ТИЛ?

Яқинда телефон олувчилар навбатига ёзилиш учун Собир Раҳимов тумани телефон тармоқлари бошқармасига бордим. Қўлимга рус тилида чоп этилган ариза қоғозини тутқазишди. Мен бу ариза «бланка»сини рус тилида тўлдролмаслигимни айтдим ва ўзбек тилидаги ариза қоғози беришни сўрадим. Малла сочли аёл менга рус тилидаги «бланка»ни узатди: — «Другого нет».

Наилож, уни тўлдиролмай, тарвузим қўлтиғимдан тушганча уйга қайтдим. Алам қилди. Агар иш шу бўлса ҳали-бери телефон туширишдан умид қилмасам ҳам буларкан! Ахир бу идора Россияга қарашли корхона эмасдир? Нега энди иш рус тилида юритилади? Ахир Давлат тили ўзи қайси тил? Билолмай қолдим. Наҳотки, «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг бу ердагиларга ҳеч қандай аҳамияти йўқ бўлса?

Ариза қоғозини ҳам қўйида хатта илова қилдим. Зеро, Собир Раҳимов туманидаги телефон тармоқлари бошқармаси раҳбарлари ушбу «бланка»ни газетадан кўриб, «Ие, иш давлат тилида юритилмаяптими?» — дея ўйлсалар, ажаб эмас.

Мираъзам ҲАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Жарариқ мавзеси, 12-уй 79-хонадон соҳиби.

Номер заявления _____
Начальнику телефонного узла тов. _____
от гр. _____
Проживающего по адресу г. _____
улица _____
номер дома _____
номер квартиры _____
Номер ЖЭК _____
почтовый индекс _____

ЗАЯВЛЕНИЕ

Дополнительные сведения _____
Предъявленные документы: паспорт серия _____ N _____
Прописан _____ Дата прописки _____
Удостоверение, свидетельство, справка _____
серия _____ N _____
Под пись заявителя
Дата регистрации заявителя
Подпись техника абон. отдель _____
линия отреза

Кодируемая часть первичного заявления

Кодируемая часть первичного заявления										
признак опер.	Дата подачи заявления	Номер п/о	Код улицы	№ дома	Лит	№ кв	Лит	Приоритет	Номер заявления	Фамилия инициал
Кодируемая часть повторного заявления										
признак опер.	Дата подачи заявления	Номер п/о	Код улицы	№ дома	Лит	№ кв	Лит	Приоритет	Номер заявления	Фамилия инициал

Подпись техника абон. отдела _____
линия отреза

ИЗВЕЩЕНИЕ

Дано тов. _____
Ваше заявление на установку телефона по адресу

взято на учет с «___» _____ 19___ г.
Подписи техника абон. отдела. _____

● Сиз нима дейсиз?

Инсоннинг ҳаёти, туриш-турмуши — мураккаб жараён. Унинг тимсолида барча ишларга қодир буюк бир шахсни ҳам, ўта жоҳил, разил кимса сиймосини ҳам кўриш мумкин. Буюк япон ёзувчиси Акутагава «инсон умри Бодлеринг бир сатригаям арзимайди», деб ёзганда ҳали йигирма ёшгаям тўлмаган эди. Мен биладиган бир ўсмир эса ана шу ёшда арзимаган пул учун бировнинг умрига зомин бўлди...

Соҳибқирон Амир Темур «Куч-адолатда» дея эътироф этганлигига гарчи, 600 йилдан ошган бўлса-да, бобомизнинг бу каломи ҳамон ўз кучини йўқотган эмас. Зеро, адолатсизлик, жиноятчилик, ўғрилик, муттаҳамлик уруғлаган жамият ҳеч қачон тўкис бўлолмайди. Буни биз яқин тарихимиздан ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам Республикамиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ жиноячиликка қарши қаттиқ кураш бошланди, демократик адолатли жамият қуриш бош мезонга айланди.

Бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола қилаётганимиз: орамизда учраб турадиган салбий ҳодиса — ўғрилик, уни келтириб чиқарадиган сабаблари ҳақида.

Биз шу мақсадда муҳарририятимизга мутахассисларни таклиф қилиб, уларни фикрларини ҳукмингизга ҳавола этаяпмиз. Агарда сизда ҳам шу ҳақда фикр мулоҳазалар бўлса, бизга ёзиб юборинг.

А. АЗИЗОВ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ТЕРГОВ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МИЛИЦИЯ МАЙОРИ:

— Бугун муҳокама этилаётган мавзуни энг долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблайман. Чунки ўзгалар мулкига кўз олайтириш, уни турли йўллар билан эгаллаб олишга ҳаракат қилиш — умумий жиноятчиликнинг асосий қисмини ташкил этади ва ўз навбатида бошқа жиноятларни ҳам келтириб чиқаради. Газетада ушбу жиноятлар асл сабаблари, уларнинг содир этилиш шарт-шароитлари ёритилаётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Негаки, кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари асосан аниқ бир жиноят еки айбдорнинг қонуний жазога тортилганлигини маълум қилиш билангина чекланиб келмоқда.

Бугунги мавзу доирасида фақатгина ўғрилик сабаблари ҳақида фикр юритиш бироз нотўғри бўлади. Чунки, шу йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги Жиноят Кодексининг иккинчи бўлимидаги ўзгалар мулкини талон-тарож этиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ана шу қонуннинг 10-бобига 6 та жиноят турлари киритилган бўлиб, булар: босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик ва ниҳоят, ўғриликдан иборатдир. Буларнинг барчасига шахснинг асосий мақсади, фақат битта нарсага, яъни бировнинг мулкини ғайри-қонуний равишда эгаллаб олишга қаратилган бўлиб, фарқ бу мақсаднинг турли йўллар билан амалга оширишидадир.

Мулкий жиноятларнинг сабаблари ҳақида гапирилар экан буни фақат иқтисодий муаммолар билан, кишилардаги етишмовчилик билан боғлаш нотўғридир.

Менимча, ўғриликка қўл уришнинг энг асосий сабаби, ўғриликка мойил кишилар психологияси ва нотўғри тарбия билан ҳам бевосита боғлиқдир. Кексаларнинг таъкидлашларича қадимда ҳеч ким уйига, ҳатто дўкондорлар дуконларига ҳам қулф осишмаган. Иймон-инсоф тушунчалари уша пайтларда шу даражада кучли бўлган. Қарийб 75 йиллик шўролар тузими даврида одамларнинг психологияси кескин ўзгариб кетди. Биринчи навбатда мулк эгасиз — яъни давлатники, жамоа хўжалигиники деб ҳисоблангани билан, аниқ хўжайинсиз бўлиб қолди. Меҳнатга ҳақ тўлаш томойиллари бузилиб, деярли ҳамманинг меҳнати бир хилда баҳоланадиган бўлиши натижасида кишилар турли ғайриқонуний йўллар билан бойиш усулларини излай бошладилар. Бу даврда турли даражадаги мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан давлат ва жамоат мулкини ўзлаштириш анча кенг тус олгани ҳеч қимга сир эмас. Бу жиноятлар эса ўз навбатида бошқаларини келтириб чиқарди. Кўпинча катта бойлик орттирган шахслар қотиллик, босқинчилик, товламачилик, талончилик ва ўғрилик каби жиноятларнинг қурбони бўлдилар.

Бир мисол. 70-80 йилларда давлат еки жамоат мулкини қўплаб миқдорда ўзлаштирган савдо ходимлари томонидан жиноятни яшириш, жавобгарликдан қутилиш мақсадида магазинларга, омборларга ўт қўйиш еки ўғрилик содир этилди, деган нотўғри курсатмалар бериш ҳоллари учраб турарди. Бугунги кунда савдо идораларининг хусусийлаштирилиши, уларда ишловчи одамларда мулкка эгалик ҳисси пайдо бўлиши натижасида бундай ҳолатлар кескин камайди.

Иккинчи томондан, Шўро ҳукумати даврида ўтказилган колективлаштириш сиесаги оқибатида 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида собиқ СССРнинг жуда катта ҳудудида очарчилик юз берганини, қўплаб шахслар турли ҳудудлардан Марказий Осиёга паноҳ излаб келганини, кексаларимиз яхши эслашади. Айнан шу даврлардан бошлаб Ўзбекистонда жиноятчиликнинг илдизлари шакллана бошлади.

Бу мулкий жиноятлар келиб чиқишининг ўтмишдаги тарихимиз билан боғлиқ сабабларидан бири. Энг асосийси эса қонуннинг сўзсиз ижро этилишини таъминлашдаги, тарбиядаги, маънавиятимиздаги камчиликлар билан боғлиқдир. Содир этилган жиноят тулгичча очилиб, айбдор шахс қонунда кўзда тутилган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш энг долзарб масала. Бу тўлиқ ҳал этилсагина ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги тамойили амалга ошади. Айбдор жазолангач, бошқа шахслар ҳам жиноятга қўл уришдан олдин бу ҳаракатлари учун жазо муқаррар эканлиги ҳақида ўйлаб кўрадилар. Қолаверса, ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шунинг учун бу масалада тарбиянинг, ота-онанинг, жамоатчиликнинг ўрни беқиёсдир.

Бугун боғчадан ўртоғининг ўйинчоғини ёширинча олиб келган болакайга, бу ишнинг нотўғрилигини тушунтирмасдан, буни шунчаки шўхликка йўйган ота-она катта хато қилади. Эртага бу бола тушуниб-тушунмасдан бошқа ноҳўя ишларга ҳам қўл уради. Ишлар билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг аксарияти ўзларининг у еки бу қилмишлари қонун билан жазоланиши ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Бу нарсаларни уларга ота-оналари ҳам, мактабда ўқитувчилари ҳам тушунтирмаганлар.

Юқорида айтиб ўтганимдек, энг хавфли камчиликлардан бири бу маънавиятимиздаги нуқсонлардир. Афсуски, айрим жойларда ва ҳолларда ҳаромхариж йўллар билан шахсий бойлик орттирган шахслар ҳамон эл эътиборида. Улар ўтказган тўйлар, ҳашаматли тадбирлар турли жойларда ҳавас билан еки маъқулланиб ҳикоя қилина бошланади. Бу ҳолатлар эса ўз навбатида ҳали бирон ижтимоий-фойдали меҳнатда суяги қотмаган, жамиятда ўз ўрнини эгалламаган ёшларга ўта салбий таъсир курсатади. Уларни енгил бойлик орттириш йўлларини излашга, қолаверса, жиноятга ундайди.

Юқоридагилардан хулоса сифатида босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўғрилик, бировнинг мулкини ўзлаштириш каби жиноятларнинг олдини олиш учун жамиятимизда тарбияга, фуқароларимизнинг маданавий савияларини оширишга катта аҳамият беришимиз керак деб ўйлаймиз. Фарзандларимиз шўурида меҳнатга ҳурмат, ҳаром йўллар билан бойлик орттирган шахсларга нисбатан нафрат ҳисси тарбияланмоғи лозим. Бироқ бу иш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишидан бўлиб қолмасдан, бутун жамоатчиликнинг бош мақсадига айланиши керак.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
ПСИХОЛОГ, ФАЛСАФА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ:

—Жамиятда учраб турадиган жиноят ва унинг руҳий илдизлари ҳақида илмий асарлар бир талай бўлиб, улар яқин-яқингача асосан икки йўналишда талқин қилинар эди.

Ғарб мутафаккирлари шахс фаолиятидаги, унинг ҳулқи ва маънавиятидаги жамият нормаларига зид ҳаракатларни илоҳий ва нотўғри тарбия маҳсулига боғлашса, марксистлар эса бу фақат шахснинг тарбияси билан боғлиқ эканлигини исботлашга уринишардилар. Марксистлар фалсафаси, илмий ақидаси ва шу таълимотга асосланган педагогикаси ҳам бутун фаолияти билан мана шу фикрни тасдиқлашга қаратилган эди.

Шунинг учун ҳам марксистлар буюк одам билан оми одам орасида тарбиядан бўлак ҳеч қандай сирли, тасодифий куч йўқ деб ҳисоблашган. Бу таълимот бир қарашда тўғридек кўринса-да аслида унчалик чуқур ва асосли эмаслиги маълум бўлади.

Шарқ оғзаки ижодидан бир нақлни эслаб ўтайлик. Ўтмишда бир шоҳнинг меҳри тўсатдан бир девона қизга тушади, унинг ҳусни-жамолига мафтун бўлган шоҳ девона қизга ўйланади ва уни шоҳона ҳаётга олиб киради. Вақт ўтиши билан бир куни шоҳ не кўз билан кўрсинки, девона қиз саройда тоқчаларга ҳар хил нознеъматлардан косаларга қўйиб улардан садақа сўраб юрган экан...

Худди шундай инсоннинг жамиятдаги ноҳўя ҳаракатлари ҳам ирсий-илоҳий, ҳам тарбия маҳсули бўлиши мумкин. Демак, оддий ўғриликни олиб қараганда ҳам у мана шу қонуниятлардан ташқарига чиқмайди.

Бир мисол. Яқинда газеталардан бирида бир ўсмирнинг ўғрилик қилиб, қамоққа олинганлиги ҳақида мақола берилди. Тақдир тақозоси билан бу оиланинг турмуш-турмуши, оилавий муҳит, ўй бекаси ва унинг дунёқарашидан воқиф эдим. Оила ўзига яраша тўқ-тўкин яшарди. Аммо ўсмирнинг отасини яхши билсам ҳам тақдири, келиб чиқиши ва аждодлари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасдим.

Ўсмирнинг қамалиши онасини йиқитди. Ўғлининг қилмишларига чидолмай 40 ёшли онанинг сочлари эрта оқарди. Аммо унинг отаси эса умумий кайфиятдан чиққан эмас. Воқеа жараёнида бўлиб ўтган суҳбатлар шуни кўрсатдики, она ўз яқинларидан жиноий жавобгарликка тортилган бирон кишини эслай олмади. Аммо ота томонидан ҳатто тўртинчи бўғиндаги аждодларда, учинчи бўғин ўсмирнинг бувваси 8 марта, отаси ҳам бир-неча бор жиноят билан судланганлиги маълум бўлди.

Ушбу мулоҳазалар билан демоқчимизки, инсоннинг етук маънавиятли баркамол шахс бўлиб етишишида еки унинг жиноят йўлига киришида ҳам ирсий-илоҳий сабаблар ҳамда ноҳўя ва номукаммал тарбия сабаб бўлиши мумкин экан.

ЎҒРИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ФАРАЗЛАР:
* Ичкиликда...
* Ақлий носоғломликда...
* Худбинликда...
* Осон бойиш истагида...
* Лекин...

НАШАФУРУШЛАР

Самарқанд вилоят божхона хизмати ва транспорт милицияси бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказаётган «Қорадори-95» тадбири пайтида «Душанбе — Москва» поездида кетаётган россиялик Николай Мурахнинг ёнидан 13 грамм наша топилди. Лекин бу ҳали ҳолваси экан. Николайнинг сумкаси кўздан кечирилганда ундаги қопқоғи ёпилган консерва банкада яна 3150 грамм заҳри қотил борлиги аниқланди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган самарқандлик Юрий Гардабаоев ҳам оғуни «эҳтиёт қилиб сақлаш»да москвалик «ошна»сидан қолишмас экан. У «Самарқанд — Тошкент» йўналишидаги автобусда 1,5 килограмм наша олиб кетаётганда ушланди. Самарқанд шаҳридаги 49-мактаб ўқитувчиси Насиба Ҳасанова нашафурушликда эркаклардан қолишмаслигини исботлади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари уни ўз уйида салкам 2 килограмм кукнор ширасини 80 минг сўмга пуллаётган пайтда қўлга олади.

Мазкур ҳолатлар бўйича тегишли ҳужжатлар ички ишлар органларига топширилди.

● Суд залидан

РЭКЕТЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

● Сирдарё вилояти прокуратура органлари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда Янгиер шаҳри ва Меҳнатобод тумани ҳудудида рэкет билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳни зарарсизлантирди.

Жиноятчиларга К. Солиев деган кимса бош бўлган. Таъмагирлар дўқ-пўписа билан хусусий мулк эгаларидан, шунингдек, давлат корхоналарининг раҳбарларидан кўп миқдорда пул ва товарлар талаб қилганлар. Масалан, жиноятчилар «Янгиер» хўжалигидан 68 минг сўмлик, «Меҳнатобод» хўжалигидан 600 минг сўмлик маҳсулот олганлар. Терговда бошқа кўплаб таъмагирлик фактлари ҳам аниқланди.

Вилоят судининг Т. Исақулов раислигида ва давлат айбловчиси — Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Р. Пулатов иштирокида бўлиб ўтган мажлисида жиноятчиларнинг ҳатти-ҳаракати батафсил кўриб чиқилди. Туда бошлиғи К. Солиев 17 йилга, унинг шериклари А. Кенжаев, Х. Бобобеков 14, Ш. Бойжуродов 7, Ф. Тожиев 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг мол-мулки мусодара қилинадиган бўлди.

● Спорт

ШАНБАДАН



● МАҲОРАТ ВА МАБЛАҒ. Тошкентдаги Марказий зобитлар уйида ўтказилаётган шахмат бўйича жаҳон биринчилигининг минтақавий турнири якунланай деб қолди. Юртимиздаги илк марта ташкил этилган бундай нуфузли мусобақада Марказий Осиё республикалари ҳамда Мўғулистондан келган кучли шахматчилар ўзаро дона сурмоқдалар. Мамлакатимиз спорт шарафини Александр Ненашев, Шуҳрат Сафин, Тоҳир Воҳидов, Владимир Еги, Сайдали Йўлдошев, аёллардан Ольга Ким, Рена Мамедова, Моҳжуда Ҳамроқулова каби шахматчилар ҳимоя қилишмоқда.

Мусобақа иштирокчилари минтақаларо мусобақага берилган ягона йўлланмани олиш, маҳорат ошириш ва ниҳоят пулли мукофотни қўлга киритиш илинжида ҳаракат қилмоқдалар. Бойси, мукофот жамғармаси 12 минг доллар миқдорида белгиланган. Мусобақага «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош ҳомийлик қилмоқда. Ҳозирча етти имкониятдан беш ярим очко тўплаган А. Ненашев пешқадамлик қилмоқда. Ш. Сафин ҳисобида саккиз имкониятдан бешта очко тўпланган. Аёллар ўртасида эса қозоғистонлик Тамара Клиник етти имкониятдан беш яримта очко жамғариб, олдинда бормоқда.

● ЯНГИЛАНИШ ОҚИБАТИ Спорт шарҳловчиларидан далил ва воқеаларга ниҳоятда ҳушёр ва аниқлик билан ҳамда холисона муносабатда бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда спортчию мухлислар орасида «қовун тушириш»и ҳеч ган эмас. Назаримизда «Спорт-экспресс» газетасида ўзига хос хатога йўл қўйилган. Чунки, ишқибозлар олимпиада саралаш учрашуви — «Ўзбекистон» — «Тожикистон» терма жамоалари ўйинида 2:0 ҳисоби қайд қилинганини яхши билишади. Мазкур газетада ёзилишича футболчиларимиз бу ўиннн 0:3 ҳисобида бой беришган эмиш. Бу янглишиш айниқса, умидли тожик футболчиларини ноқулай аҳволга солганлиги табиий.

● ДОВОН ОШИЛДИ. Олий лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг дастлабки даврасн ўйинларини якунлаб, оралиқ маррага етиб келдилар. Чемпионатнинг яъим йўлини муваффақиятли ортда қолдириб, довон ортн ўйинларини ёруг юз билан бошлашга аҳд қилган жамоалар якунловчи тур учрашувларида ҳам ўзларини кўрсатдилар. «Нефтчи» жамоаси «Машъал» майдонида галаба (2:0) қозониб, пешқадамлик урнини янада мустаҳкамлади. Иккинчи урнда бораётган «Нурафшон» футболчилари ҳам «Чирчиқ» майдонида дарвозага жавобсиз битта туп киритиш билан жами галаларини 11 тага етказишди. Жавобсиз тўплар шунингдек «Атласчи» — «Навбаҳор» (0:3) учрашувида ҳам дарвозаларга йўлланди. Бу галабадан кейин навбаҳорчилар учинчи ўринга кўтарилишди. «Политотдел» футболчилари ҳам оралиқ маррага яхши етиб келишди. Улар тракторсозлар майдонида ютуққа (3:1) эришиб, уч погона юқорига кўтарилдилар. Термиз армиячиларининг ҳам омадлари келди. Бу жамоа «Сўгдиёна» футболчиларини қабул қилиб, дарвозани икки марта ишгол этди. Армиячилар уч погона юқорига кўтарилиб олишди. Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди. «Навруз» — «Темирйўлчи» — 3:1, «Янгиер» — МХСК — 1:1, «Пахтакор» — «Динамо» — 2:0.

Ўйинлар жадвалининг бугунги аҳволи

ШАНБАГАЧА

Энди олийлигачилар иккинчи давра ўйинларини 29 июль куни бошлайдилар.

Мирзо АНВАР.

● ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Очиқ рангли, гули чиройли клеёнка хонтахта, столни безаб туради. Бундай клеёнканинг ранги ушиқиб кетмаслиги учун тенг миқдор сирка аралаштирилган сувга латта намлаб артинг. Совун еки бирон хил порошок билан ювилган клеёнка хираланиб қолади. Клеёнка устига иссиқ чойнак қўйиш ҳам ярамайди. Акс ҳолда изи тушиб қолади. Шунингдек, клеёнка устига чойшаб ташлаб, дазмол ҳам босиб бўлмайди.

* * *

● Ювган кирингизни намлигида йиғиб олишга улгурмадингиз. Энди дазмол босиш оғир. Шунда чойшабни ҳўллаб дазмол босиладиган буюм тагига ёзсангиз иш енгил кўчади.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда, 10.000 нусхада чоп этилади.

Буюртма Г. —0329. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.